

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD30.05.2018Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ЎКТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ ХРОНОТОП
МУАММОСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Назаров Ўктам Жўраевич

Омон Мухтор романларида бадий хронотоп муаммоси.....5

Назаров Уктам Жураевич

Проблема художественного хронотопа в романах Омона Мухтора.....21

Nazarov Uktam Juraevich

The problem of chronotopic in the novels by Omon Mukhtor.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD30.05.2018Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ЎКТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ ХРОНОТОП
МУАММОСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil 132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (karshidu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмуродов Абдуҳамид
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори

Дониёрова Шоира Хурсановна
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, ўзбек филологияси факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____да тарқатилди.
(2018 йил _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
ф.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида кейинги вақтларда бадиий асарларни турли нуқтаи назар ва усуллар асосида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий Мустақиллик даврида халқимизнинг маданий, адабий-бадиий мероси, бадиият намуналарини замонавий, илғор илмий усуллар ёрдамида ўрганиш, шу асосда миллий бойликларимиз захирасининг жаҳон миқёсидаги ўрнини, аҳамиятини кўрсатиш асосий диққат марказида турибди.

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий хронотоп (замон ва макон) муаммоси, романнинг эпик жанр тарзидаги ўзига хос бадиий-эстетик хусусиятларини теранроқ очиб бериш, ижодкорнинг тарих, замонавий ҳаётга бўлган фалсафий, ахлоқий қарашларини ойдинлаштириш, асосий бадиий концепциялари моҳиятини очиш, аниқлаш борасида, айниқса, рус адабиётшунослигида салмоқли изланишлар амалга оширилган бўлиб, унинг пойдевори М.М.Бахтин номи билан боғлиқ. Бинобарин, муайян бадиий матн намуналарини хронотоп нуқтаи назаридан тадқиқ этиш шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини белгилаши унинг бош хусусиятини белгилайди.

Замонавий ўзбек адабиёти етакчи вакиллари ижодини муайян илмий-назарий муаммолар нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Янги давр миллий наср ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган истеъдодли адиблар эпик ижоди моҳиятини, улар яратган етук асарларнинг тарихий-генетик асосларини аниқлаш, бадииятини таъмин этган омил ҳамда сабабларни тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларидандир. Ўзбек адабиёти, хусусан, Омон Мухтор бадиий асарлари мисолида бадиий хронотоп муаммосини тадқиқ этиш бадиий матн структураси, асосий-бадиий-эстетик аҳамиятини ойдинлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Миллий мустақиллик йилларида Омон Мухтор кўп ва самарали ишлаб, ўндан ортиқ романлар яратди. Уларда ватанимиз тарихининг алоҳида аҳамиятга эга бўлган давлари ўз бадиий ифодасини топган. Мазкур эпик ижод намуналарини адабиётшуносликнинг муайян муаммолари, хусусан, бадиий хронотоп масаласи асосида тадқиқ этиш нафақат муайян бир ижодкор, шунингдек, истиқлол йилларидаги миллий эпик сўз санъати майдонида рўй берган сифат ўзгаришларини чуқурроқ англаш ва муҳим илмий-назарий хулосаларга келиш имконини беради. Зеро, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги айнан мана шу билан белгиланади. Янги даврда ўзбек адабиётида жиддий сифат ўзгаришлари содир бўлди. Бадиий асарлар шакл жиҳатдан ҳам, мазмун ва қаҳрамон жиҳатидан ҳам ўзгарди, даврнинг мураккаб руҳини ўзгача-замонавий тарзда инъикос эттиришга ҳаракат қилинди. Бундай устувор хусусиятни Омон Мухтор романлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 14.

(“Эгилган бош”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Минг бир қиёфа”, “Аёллар мамлакати ва салтанати”, “Ффу”, “Майдон”, “Ишқ аҳли”, “Буюк фаррош”)да ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккир ва алломаларининг фалсафа, тасаввуф, тарих каби фан соҳаларига бағишланган ишларида замон, макон ҳақидаги қимматли қараш ва мулоҳазалар мавжуд. Абу Наср Форобий, Абу Ҳомид Ғаззолий сингари олимларнинг ишларида бу муаммоларга муносабат билдирилган. Хусусан, “шайхлар шайхи” деб ҳисобланган Хожа Аҳрор Валийнинг бу борадаги фикри ушбу нуқтаи назарнинг далилидир: “Зокирнинг зикри Оллоҳнинг зикрида йўқ бўлиб кетади. Фақат Оллоҳнинг зокирни зикр этгани қолади, орада макон ҳам, замон ҳам бўлмайди. Бу эса ҳақиқий саодатдир”.² Бу кўчирмадаги икки жиҳатга эътиборни қаратиш зарур. Биринчидан, унда макон ва замоннинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган. Бу эса Шарқ илмида кейинчалик Ғарбда “хронотоп” тарзида истифода этилган тушунчанинг қадимдан мавжудлигини кўрсатмоқда. Иккинчидан эса замон-макон фалсафий категорияларининг зоҳирий ва ботиний оламда тафовутларга эга эканлигидан дарак бериб турибди.

Ўзбек адабиётшунослигида И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мирвалиев, А.Раҳимов, Д.Тўраев, Н.Шодиев, Б.Каримов, Д.Қуронов, А.Тўйчиев, С.Мелиев, Э.Абуталиева, И. Ғаниев, У.Жўрақулов, Ш.Дониёрова, И.Ёқубов, А.Носиров, М.Умарова, У.Қаршибоева, Б.Тўраева ўз тадқиқотларида маълум бир ижод намуналарини муайян илмий-назарий муаммолар нуқтаи назаридан тадқиқ этар эканлар, бадий замон, бадий макон ёки хронотоп масаласига билвосита ёхуд бевосита дахл қилганлар.³ Мазкур тадқиқотчилардан

² Хожа Аҳрор Валий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 98.

³ Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969; Мирвалиев С. Роман ва замон. – Тошкент: Фан, 1983; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Шодиев Н. Горизонты эпоса. –Тошкент: Изд-во лит. и искусства, 1986;

айримлари гарчи макон-замон (хронотоп) муаммосини иш предмети сифатида кўриб чиқмасалар-да, таҳлил давомида бадий замон ва бадий макон ҳақида айрим фикр-қарашларни билдирганлар (И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мирвалиев, Д.Тўраев). Айрим адабиётшунослар эса бадий хронотопнинг бир қирраси (макон ёки замон)ни тадқиқ қилганлар. Н.Шодиевнинг “Торизонты эпоса” монографиясида Марказий Осиё адабиётларида яратилган эпик жанрларда ретроспекция, эпик замон шакл ва категориялари ҳақида фикр юритилган. Б.Тўраевнинг тарихий романлар тадқиқига бағишланган ишида бадий замон муаммоси ўрганилган. Адабиётшунос Ш.Дониёрованинг “Омон Мухтор ижодида янгича талқинлар” (Тошкент, 2017) монографиясида ёзувчининг “Майдон” романида ноанъанавий макон ҳақида фикр юритилган. Учинчи гуруҳга мансуб олимлар эса бадий замон ва бадий макон муаммосини ўз ишларининг бирор қисмида фикр юритганлар. Жумладан, И.Ғаниевнинг Фитрат драмаларига бағишланган докторлик ишининг охириги боби бадий замон ва бадий макон муаммосига бағишланган. Ўзбек адабиётшунослигида бадий замон ва бадий макон муаммосига бағишланган дастлабки иш Э.И.Абуталиевага тегишли бўлиб, у “Ўрта Осиёнинг русийзабон ёзувчилари ижодида макон ва замон муаммоси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзган. У.Жўракуловнинг Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси” номли докторлик тадқиқотида мазкур асардаги жанр, сюжет, образ, композиция муаммолари бадий хронотоп нуктаи назаридан ўрганилган ва муҳим илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

Д.Тўраевнинг “Рангин тасвирлар жилоси” мақолалар тўплами, З.Пардаеванинг “Ўзбек романи поэтикаси” монографияси, Ў.Солижоновнинг “Романнинг ойдин йўли”, “Ўзбек полифоник романлари” мақолаларида Омон Мухторнинг тадқиқотимиз объекти бўлган айрим романлар таҳлил этилган, Бу ишларда мазкур асарларда акс этган бадий замон ва бадий макон хусусида айрим мулоҳазалар айтилган⁴.

Жаҳон адабиётшунослигида бадий хронотоп, унинг жанр структурасини юзага келтиришдаги аҳамияти, бадий замон ва бадий маконнинг эпик матн сюжет-композицион ҳудудини вужудга келтиришдаги

Художественные эстетическое богатство эпической прозы литератур Средней Азии Казахстана: Дисс. д-ра. филол. наук. – М.: 1985; Абуталиева Э. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии: Дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1993; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 43 б.; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгиллик. – Тошкент: Шарқ, 2007; Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009; Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 1998; Жўракулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2017; Дониёрова Ш.Х. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2012. – 38 б.; Қаршибаева У. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2016; Тўраева Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси. – Тошкент, 2018.

⁴ Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: Akademnashr, 2014; Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2003; Солижонов Ў. Романнинг ойдин йўли // Шарқ юлдузи, 2004. – № 1.-Б. 150-153; Солижонов Ў. Ўзбек полифоник романлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 5. – Б. 3-7.

вазифалари ҳақида муайян ишлар мавжуд. Хронотоп истилоҳининг адабиёт илмига олиб кирилиши ва бу маълум бир жанр намуналарига нисбатан қўлланиши М.М.Бахтин номи билан боғлиқ. Бу олим адабиёт илмига “хронотоп” атамасини олиб кириш билан бирга, муайян бадиий матн намуналарини ушбу муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. У ёзганидек: “Бадиий хронотоп қатъий жанрий моҳиятга эга. Айтиш мумкинки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадиий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Чунки бадиий образ доимо хронотоп негизида маъно касб этади”⁵.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида хронотоп муаммосини биринчи марта махсус ва кенг кўламда ўрганган У.Жўракулов докторлик диссертациясида бу муаммога муносабат билдирар экан, жумладан, шундай ёзади: “Бадиий адабиёт хронотопнинг барча тип ва шакллари маълум маънода қамраб олади. Бунда, албатта, бадиий асарнинг мазмун ва шакл кўлами муҳим аҳамият касб этади”⁶.

Хронотоп муаммоси билан А.А.Ухтомский, Л.А.Гоготишвили, С.А.Азаренко, Ю.Г.Хазанкович каби тадқиқотчилар шуғулланишган. Шунингдек, санъат ва адабиётдаги макон, замон муаммолари М.С.Коган, Б.С.Мейлах, В.Б.Иванов, М.А.Сапаров, Т.Л.Мотылева, Д.С.Лихачев каби олимлар томонидан ўрганилган.⁷

Омон Мухтор романларида хронотоп масаласига турли мақола ёки тақриз ва китобларда маълум даражада муносабат билдирилган бўлса-да, ҳанузгача мазкур масала алоҳида тадқиқот манбаи бўлган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези” (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Омон Мухтор романлари мисолида хронотоп шакллари белгилаш асосида романларнинг бадиий-функционал структу-

⁵ Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественное литературное издательство, 1986. – С. 122.

⁶ Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси: Филол. фан. д-ри дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 14-15.

⁷ Ухтомский А.А. Доминанта. – СПб.: Питер, 2002. с. 347. Гоготишвили Л.А. Хронотоп // Новая философская энциклопедия. – М.: Мысль, 2000. Т. 4. – ISBN 5-244-00961-3; Азаренко С. А. Социальный хронотоп и методология современного обществознания // Социемы № 13 — 2007; Хазанкович Ю.Г. Хронотопы и хронотопические ценности в прозе народов Севера. – М.: Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2008. – № 4. <http://ru.wikipedia.org>. Коган М.С.. Пространство и время в искусстве как проблема эстетической науки//Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. —Л: “Наука”, 1974; Мейлах Б.С. Проблемы ритма, пространства и времени в комплексном изучении творчества //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. —Л: “Наука”, 1974; Иванов В.Б. Категория времени в искусстве и культуре XX века //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. —Л: “Наука”, 1974; Сапаров М.А. Об организации пространственно-временного континуума художественного произведения //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. —Л: “Наука”, 1974; Мотылева Т.Л. О времени и пространстве в современной литературе. Смех как мировоззрение и другие работы. – СПб: Наука, 1994: //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве: издательство “Наука”, 1974. – 300 с.; Лихачёв Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М.: Худож. лит., 1979.

расини аниқлаш, ёзувчининг миллий романчиликдаги ўрнини баҳолашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация мақсадини юзага чиқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

романда бадиий хронотоп шакллари, хронотопнинг эпик асар (роман) бадиий матни, сюжет майдонидаги ўрни ва бадиий вазифаларини ойдинлаштириш;

бадиий хронотопнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш, уларнинг бадиий майдонда юзага келиш сабаб ва омилларини ёритиш;

Омон Мухтор романларидаги хронотопнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

адиб романлари бадиияти, уларнинг тарих ва ҳаёт ҳақиқатини бадиий акс эттиришда бадиий хронотоп билан алоқадорлигини аниқлаш;

Омон Мухтор романлари асосида замонавий ўзбек романчилигидаги сифат ўзгаришлари, миллий роман шаклидаги деформациялар, роман тафаккурининг кўламини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини Омон Мухторнинг “Йиллар шамоли”, “Эгилган бош”, “Ффу”, “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Аёллар мамлакати ва салтанати”, “Хотин подшоҳ”, “Афлотун”, “Майдон”, “Ишқ аҳли”, “Буюк фаррош” романлари ташкил этади. Ўрни билан Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Мурод Муҳаммад Дўст романларига ҳам муурожаат этилди.

Тадқиқотнинг предметини Омон Мухтор романларидаги бадиий хронотоп ифодаси, адабий-бадиий жараённинг устувор тамойиллари ҳамда ёзувчининг ижодий индивидуаллиги, бадиий маҳорат муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда, асосан, аналитик, тарихий-қиёсий, шунингдек, қиёсий-типологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври ўзбек миллий романчилигидаги хронотопнинг анъанавий, ёндош, синкретик шакллари аниқланган;

хронотопнинг эпик асар бадиий матни ва сюжет майдонида тутган ўрни, хронотоп шакллари романлар бадиияти, ижодкорнинг тарих ва замонавий ҳаёт ҳақиқатини бадиий акс эттириш маҳоратига таъсир этиши Омон Мухтор романлари мисолида ёритилган;

йирик эпик шакл қурилмаси, сюжет ҳудуди, қаҳрамон ва персонажлар тизими, романнинг бадиий-фалсафий концепцияси ва поэтикаси хронотоп билан бевосита боғлиқлиги асосланган;

адиб романларидаги бадиий хронотопларнинг бадиий-функционал жиҳатлари, бадиий замон ва бадиий маконларнинг асар сюжет-композицион қурилмасини вужудга келтириш нуқтаи назаридан очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотнинг Омон Мухтор романларининг бадиий-эстетик хусусиятларига доир хулосалари ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, унинг назарий асосларини бойитади; “Адабиётшунослик назарияси”, “Ҳозирги

адабий жараён”, “Янги ўзбек адабиёти тарихи ва адабий танқид тарихи”, “Адабиётшунослик ва структурал методлар” фанлари бўйича дарслик ва қўлланма, ўқув ва изоҳли луғатларнинг мукамаллашувига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши жаҳон адабиётшунослигининг нодир намуналарига асослангани ҳамда аналитик ва қиёсий-типологик усуллардан фойдаланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти роман тарихи, поэтикаси, бадиий структураси бўйича тадқиқотлар яратишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирги замон ўзбек романчилиги тараққиёти, асосий тамойиллари, бадиияти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида адабиётдан маъруза матнларини тайёрлаш, жамоатчилик орасида замонавий адабиёт муаммолари бўйича маърузалар ўқиш, миллий адабиёт бўйича электрон дарсликлар тайёрлаш ва интернет сайтларини яратишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий хронотоп масаласини ўрганиш асосида:

ўзбек адабиётшунослигида бадиий хронотоп масаласи, миллий романчиликдаги хронотоп шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, йирик эпик шакл қурилмаси, сюжет ҳудуди, қаҳрамон ва персонажлар тизими, романнинг бадиий-фалсафий концепцияси, бадиий матн поэтикасининг хронотоп билан бевосита боғлиқ эканлиги, ижтимоий тафаккур ривожига романларнинг ўрни масалалари ечимидан ОТ-Ф8-090 рақамли “Жадид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида” (2007-2011) фундаментал лойиҳасида хронотопнинг эпик асар бадиий матни, сюжет майдонидаги ўрнини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги № 89-03-2244-сон маълумотномаси). Натижада романлардаги хронотоп шакллари ва улардаги ўзига хосликлар, романлар бадиияти, ижодкорнинг тарих ва замонавий ҳаёт ҳақиқатини бадиий акс эттириш маҳоратига оид қараш-мулоҳазалар билан бойиган;

Омон Мухтор романлари мисолида адабий таъсир ва бадиий синтез масалалари ечимидан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези” (2012-2016) фундаментал лойиҳасида хронотоп тушунчасининг ўзбек адабиётшунослигида қўлланилиши, унинг хронотоп бадииятини очиб беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги № 89-03-2244-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек романларида хронотопнинг бадиий-функционал структураси аниқланиб, унинг эпик бадиий матндаги, сюжет майдонидаги ўрни, шакллари, ўзига хос хусусиятлари белгилаб кўрсатилган. Йирик эпик шакл қурилмаси, сюжет ҳудуди, қаҳрамон ва персонажлар тизими, романнинг

бадий-фалсафий концепцияси ва поэтикаси хронотоп билан бевосита боғлиқлиги асосланган;

бадий хронотопга доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Оилавий” телеканалида эфирга узатилган “Оила мундарижаси”, “Мақтаб ва оила” ток-шоулари, шунингдек, “Оилавий тонг”, “Аёл ва замон”, “Оила шаъни” кўрсатувларида фойдаланилган (“Оилавий” телеканалининг 2017 йил 24 ноябрдаги № 39-39-1994-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган, мазмуни мукаммаллашган;

миллий ва жаҳон романчилиги бўйича хулоса ва тавсиялардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2015-2017 йилларда эфирга узатилган “Адабиёт дарси”, “Адабий муҳит”, “Илм дунёси” каби кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2017 йил 4 декабрдаги 1/319-сон маълумотномаси). Натижада сценарийларнинг мазмуни ёш авлод маънавий ва ахлоқий тарбияси ва уларнинг бадий-эстетик тақомилига оид фикр-мулоҳазалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича жами 23 та иш эълон қилинган. Улардан 1 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини нашр этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хронотоп, унинг шакллари, бадий-функционал аҳамияти”** дея номланади. Боб икки фаслни ўз ичига олади. **“Романда бадий хронотоп шакллари ва уларнинг поэтик**

вазифалари” деб номланган биринчи фаслда хронотоп атамаси, унинг бадий адабиёт намуналарида ифодаланиши, бадий-эстетик вазифалари ҳақида фикр юритилган.

М.Бахтиннинг маълумот беришича, хронотоп термини даставвал математик табиатшуносликда қўлланган. У Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси асосида фанга олиб кирилган ва асосланган. Ушбу истилоҳ адабиётшуносликда макон ва замоннинг ажралмаслигини кўрсатиш мақсадида истифода этилади⁸.

Юзаки қаралганда, замоннинг муайян маконда боғлиқлиги, унда намоён бўлиши оддий, изоҳ талаб қилмайдиган ходиса бўлиб туюлади. Аммо масалага жиддий, чуқурроқ қаралганда, замон-макон муносабатлари бадий адабиёт учун ниҳоятда муҳим, бирламчи аҳамиятга молик эканлигини кўриш мумкин. М.Бахтин бу хусусда қуйидагиларни ёзади: “Жанр ва жанрий тармоқлар айнан хронотоп орқали белгиланади”.⁹

Шу билан бирга, хронотоп бадий матндаги инсон образини юзага келтиради. Бадий асарда инсон ҳамиша бирламчи – устувор ўринда эканлигини эътиборга олсак, хронотопнинг нечоғлиқ бадий-поэтик аҳамиятга моликлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жаҳон адабиётшунослигида илк маротаба хронотоп назариясини ишлаб чиқиб, бадий адабиётга татбиқ этган мазкур олим шундай деб таъкидлаган эди: “Хронотоп адабий асарнинг бадий яхлитлигини, унинг аниқ воқеликка муносабатини белгилаб беради.”

Бобнинг иккинчи фасли **“Ўзбек романларида бадий хронотоп тараққиёти”** деб номланган ва унда XX аср ўзбек романларида ўз аксини топган хронотоп шакллари ўрганилган.

Бадий матн – роман майдонидаги хронотоп шакли муаллифнинг дунёқараши, адабий-фалсафий концепцияси, бадий нияти билан бевосита чамбарчас боғлиқ. Бу фикр далилини ўзбек романлари мисолида аниқ кўриш мумкин.

Бу жиҳатдан Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари алоҳида аҳамиятга молик. Аёнки, Марказий Осиё халқларининг эпик адабиётида илк роман “Ўткан кунлар”да XIX аср ўрталаридаги Туркистон, хусусан, Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший ҳаёт тасвирланган.

Биринчи ўзбек романида бадий-поэтик инъикос топган бадий вақт, яъни хронотопнинг биринчи ва энг муҳим қисми аниқ кўрсатилган. Яъни, ҳижрий 1264 (милодий 1847) йил роман муқаддимаси ва ҳижрий 1277 (милодий 1861) йил роман хотимасидир. Мазкур жиҳатдан Абдулла Қодирий романи билан Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеяси орасида алоқадорлик, муштараклик мавжудлигини кўрса бўлади. Роман-эпопеяда 1805-1815 йиллар орасида Россия, шунингдек, Европада юз берган тарихий воқеа-ҳодисалар ўз бадий ифодасини топган. Лев Толстой ҳам, Абдулла Қодирий ҳам мозийнинг аниқ бир даврини бадий асар учун манба сифатида

⁸ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. -Б.43-44.

⁹ Ўша асар, -Б. 44.

танлаб олар эканлар, улар ўша давр кишиларининг маълум бир дунёқараши ва ижтимоий-сиёсий эҳтиёжи ҳамда талабларига асосланганлар. “Ўткан кунлар” асаридаги бадиий замон хронологик, яъни изчил-давомий хусусиятга эга. Романдаги воқеалар олдинма-кейин тасвир этиб борилади, вақт оқими ва қаҳрамон(лар) ҳаёти узвий равишда ифода қилинади. Зарурат туғилгандагина ретроспектив тасвирдан фойдаланилади: муаллиф ёки бирор персонаж тилидан аввалги замонга оид воқеа ҳикоя қилиб берилади. Мазкур асарда бундай усулдан икки ўринда – Отабек ва Кумушбибининг илк учрашуви ва уста Алимнинг муҳаббат тарихи воқеасида фойдаланилган.

Абдулла Қодирийнинг навбатдаги йирик эпик яратмаси “Меҳробдан чаён” бадиий хронотоп жиҳатдан “Ўткан кунлар”ни бевосита давом эттирди. Ушбу асарда хронологик хронотопга хос асосий хусусиятлар сақлаб қолинган. Шу билан бирга, мазкур муаммо бўйича тадқиқ шундан далолат берадики, ушбу асарда бадиий замон ва макон тасвирида айрим эврилиш, сифат ўзгаришлари содир бўлган. Жумладан, адибнинг мазкур романида “Ўткан кунлар”дан фарқли равишда асар ибтидоси ҳамда интиҳосида тарихий сана қайд этилмаган. Шундай бўлса-да, бадиий сюжет оқимида қайси давр воқеалари тасвир этилаётгани яққол англашилиб туради.

Тарихий хронотопни бадиий гавдалантириш адабий-бадиий жараённинг навбатдаги босқичлари (30-50-йиллар, 60-80-йиллар ва Миллий мустақиллик даври адабиёти)да, чунончи, Чўлпон (“Кеча ва кундуз”), Ойбек (“Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Улуғ йўл”), Пиримкул Қодиров (“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар доғони”, “Она лочин видоси”), Одил Ёқубов (“Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”), Мирмуҳсин (“Меъмор”, “Темур Малик”) сингари адибларнинг эпик ижодида давом эттирилди. Ушбу тарихий романларда хронотоп, асосан, хронологик тарзда ўз аксини топган.

Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос дунёқараши, адабий-эстетик концепцияси, бадиий асар олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, матн хронотопи ўзгача, алоҳида шаклий-мазмуний структура ва бадиий хусусиятларга эга бўлади. Бунда ёзувчининг маълумоти, интеллектуал-маданий савияси, у яшаган муҳит, тарихий шарт-шароит, мавжуд таълимот ва назариялар, майл ва қизиқиш, интилиш, китобхонлар эҳтиёжи, давр, жамият тараққиёти, ижод аҳли олдига қўйилган талаблар, адабий-бадиий жараёндаги оқим ва методлар, тамойиллар ҳам муҳим ўрин тутди.

Адабий-тарихий жараённинг ўзига хос босқичи – 60-80-йилларда бадиий хронотоп яратишда муҳим ўзгаришлар содир бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда тарихий романчиликда деярли анъана тусига кирган қаҳрамоннинг бутун ҳаёти ёхуд таржимаи ҳолининг катта даврини тасвирлашдан воз кечиб, қисқа бир вақт давомида унинг характери ифодасини гавдалантириш тажрибаси бўлди. Бунга мисол сифатида Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романини айтиб ўтиш мумкин. Мазкур асарда асосий эътибор муайян тарихий воқеалар оқимида бош қаҳрамон – Мирзо Улуғбекка қаратилганки, унинг руҳий оламига чуқурроқ киришиш, шу асосда тарихий шахснинг дунё, коинот, ҳаёт, ўтмиш ва келажак ҳақидаги мураккаб, кўп

қиррали фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мушоҳадаларини акс эттириш имконияти пайдо бўлган. Натижада роман бадиий психологизми теранлашган, марказий образнинг инсон, мутафаккир, аллома тарзидаги дунёқарашини ёрқинроқ тасаввур қилиш, уни мозий майдонидаги тарихий аҳамиятини тугалроқ англаш имконияти кенгайган. Туш, ички мушоҳада, эслаш каби усуллардан кўп ва самарали фойдаланиш асар бадиийлигини кучайтирган, тарихий манзараларини ёрқинлаштириш имкониятини оширган. Аммо шу билан бирга, “қисқарган” хронотоп ўзбек тарихий романчилигининг етакчи усули бўлиб қолмади. Анъанавий хронотоп шаклида ҳам яхши асар ёзиш мумкинлиги бир қатор тарихий романлар, хусусан, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” йирик асари мисолида ўз исбот-тасдиғини топди.

“Омон Мухтор романларида бадиий хронотопнинг ўзига хослиги” деб номланган иккинчи боб икки фаслдан ташкил топган. Бобнинг **“Анъанавий ва ёндош хронотоп”** деб номланган биринчи фаслида ёзувчи романларида бадиий тажассум топган хронотопларнинг бадиий-функционал аҳамияти, уларнинг асар бадиий-фалсафий концепциясини юзага чиқаришдаги ўрни ёритилган.

Йигирманчи асрнинг 20-70-йилларида яратилган замонавий ва тарихий романлар анъанавий хронотоп шаклида юзага келган. Омон Мухторнинг дастлабки романлари “Йиллар шамоли”, “Эгилган бош” мавжуд адабий-бадиий анъаналар таъсирида яратилган, уларда анъанавий бадиий хронотоп устуворлик қилади. “Йиллар шамоли” – адибнинг илк романи. Ундаги асосий воқеалар Бухоро вилоятининг оддий қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Ёзувчи мунаққид Аҳмад Отабой билан суҳбатда бу асарини анъанавий йўсинда ёзганлигини эътироф этган.¹⁰ Анъанавийлик бошқа жиҳатлар сингари бадиий хронотопга ҳам тегишли: бадиий вақт хронологик тарзда, макон аниқ ва анъанавий (классик) роман талабларига кўра тасвир этилган.

Умуман олганда, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб миллий романни шаклий-мундарижавий жиҳатдан ислоҳ этиш, уни замонавий жаҳон романи структураси даражасига олиб чиқиш бўйича баъзи бир уриниш, ҳаракатлар бўла бошлади. Бундай ҳаракатни Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар”, Омон Мухторнинг “Йиллар шамоли” асарларида кўриш мумкин. Мазкур янгиланишга интилиш, энг аввало, нималарда намоён бўлган эди? 70-йилларгача юзага келган аксарият миллий романлар “динамик сюжет” асосига қурилган. Воқеаларнинг шиддат билан давом этиши, бош қаҳрамоннинг, асосан, кескин кураш давомида қаҳрамон(лар) онги, дунёқарашининг ўзгариб ёки мукаммаллашиб бориши кабилар “динамик сюжет”га хос хусусиятларни ташкил этади.

Омон Мухтор ижодида “Эгилган бош” романидан бошлаб, анъанавий сюжетда истифода этиладиган ретроспектив усулдан ёндош хронотопга ўтиш ҳаракати бошланди. Адибнинг кейинги романларида бир неча қатламли

¹⁰ Отабоев А., Мухтор О. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор. – Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил, 8 март.

замон-макон муносабатлари акс эта бошладик, бу ўзбек бадиий тафаккурида янги бир босқич юзага келаётганини кўрсатувчи ёрқин нишон, далил эди. Бу жиҳатдан ижодкорнинг “Тўрт томон қибла” деб аталган асари алоҳида эътиборга молик.

Ўзувчининг 1980-2000 йиллар орасида ёзилган мазкур роман-трилогияси қуйидаги уч асардан иборат: “Минг бир қиёфа” (1988-1991), “Кўзгу олдидаги одам” (1980-1993), “Тепаликдаги хароба” (1987-1994). Адиб ушбу китобни “уч романдан иборат Шарқ дафтари” деб атаган. Мазкур трилогия Омон Мухтор эпик ижодида алоҳида ўрин тутди. Унда адибнинг романнавис сифатидаги бадиий маҳорати, интеллектуал-маданий савияси ёрқин ва аниқ намоён бўлган.

Адабиётшунос Дамин Тўраев “Ҳозирги ўзбек насрида сюжет поэтикаси” тадқиқотида ушбу асар ҳақида қуйидаги фикрларни баён этган: “Бу трилогиянинг умумий номи “Тўрт томон қибла” деб аталишининг ўзи ҳам жуда кўп маънони англатади. Унда ҳаёт ҳақиқати, кўзгу синиқларида турлича такрорланиб кўрингандай, калейдоскопнинг ажойиб-ғаройиб шакл-шамойилларида, манзара ва кўринишларида акс этади”.¹¹

“Минг бир қиёфа” мамлакат, миллат тарихининг “қайта қуриш” деб ном олган алғов-далғов, шиддатли бир даври – миллий Мустақиллик арафаси (1988-1991)да яратилди. Бу давр эркин фикрнинг уйғониши, мозийга мурожаат, миллий қадриятларга эътиборнинг ошиши билан ажралиб, фарқланиб турарди.

Янги тарихий, маданий-маърифий даврга хос ислохотчилик, тафаккур эврилиши хусусиятлари “Минг бир қиёфа” романида ўз муҳри, аксини қолдирган, албатта.

Авваламбор, бу йирик насрий асарнинг композицион қурилмасидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритайлик. Чунки бу муаммо биз тадқиқ этаётган муаммо – бадиий хронотопга бевосита алоқадордир.

Агар адибнинг олдинги романи (“Эгилган бош”) дафтарлардан ташкил топган бўлса, “Минг бир қиёфа” асари учта ҳикоятдан иборат. Олдинги асардан фарқли равишда ҳар бир ҳикоят номланган:

1. “Тўрт манзара”. 2. “Олисдаги одам”. 3. “Афандининг болалиги”. Ҳар бир бадиий бўлак, ўз навбатида, ички фаслларга ажратилиб, уларга фақат тартиб рақами қўйиш билан чегараланган. Тартиб рақами ҳар бир ҳикоят билан тугалланмайди, навбатдаги қисмларда ҳам давом этиб бораверади. Бу табиийки, муаллифнинг ижодий-бадиий нияти, концепцияси билан боғлиқ бўлиб, бир неча замон бўлаклари бирлашиб, ягона бадиий манзара ҳосил этганлигини таъкидлаш учун бундай усул истифода этилган.

Романда бадиий хронотопнинг қуйидаги шакллари ўз ифодасини топган:

1. Замонавий хронотоп (муаллиф яшаётган давр манзаралари).
2. Тарихий хронотоп (замонавий хронотопни изоҳлайдиган, унинг ўткир, драматик муаммоларини ойдинлаштириб берадиган мозий ҳодисаларининг бадиий ифодаси).

3. Келажак (охирзамон) хронотопи. Замонавий хронотопда фаолият кўрсатган қаҳрамон (Абдулла Ҳаким)нинг боқий ҳаётига оид лавҳалар.

¹¹ Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: “Akademnashr”, 2014. – Б. 24.

Кўринаяптики, 152 саҳифани ташкил этган роман бадиий майдонида учта замон-макон ўзаро бирлашади ва романнависнинг ўтмиш, замонавий ҳаёт, истиқбол ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашларини ўз структурасида бирлаштириб туради.

Бобнинг **“Тарихий ва замонавий хронотоп уйғунлиги”** номли навбатдаги фаслида адибнинг **“Ишқ аҳли”**, **“Буюк фаррош”**, **“Ффу”**, **“Хотин подшоҳ”** романлари тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига асосан тадқиқ этилган.

Омон Мухтор эпик ижодида, хусусан, йирик эпик асарларида тарихни теран бадиий идрок этишга интилиш миллий Мустақиллик даврида бошланди. Унинг романларида мозийни бадиий инъикос эттириш қуйидаги икки шаклда намоён бўлган:

- 1) тарихий ва замонавий хронотоп уйғунлиги;
- 2) яқин ва узоқ ўтмиш ифодаланган романлар.

“Ишқ аҳли”, **“Буюк фаррош”** роман-диалогиясида тарихий ва замонавий хронотоп ўзига хос бир тарзда уйғунлаштирилган.

Ушбу тарихий романларда бадиий хронотоп икки қатламли: 1) тарихий хронотоп; 2) замонавий хронотоп. Икки қатламда ҳам ровий – рассом Абулхайрнинг улуғ шоир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, кечинмалари устувор ўринда туради. Бу мусаввирнинг ҳаётдаги бош мақсади – сўз соҳибқирони Алишер Навоий сувратини улуғ шахсга монанд – тарихий ҳақиқатга мувофиқ чизиш. Бундай катта мақсадни амалга ошириш учун буюк санъаткор яшаган давр, унда марказий ўрин эгаллаган шоир, давлат арбоби руҳий-маънавий оламига кириш ва чуқур англаш зарур бўлади. Шундай экан, рассом ҳаёлан Алишер Навоий давrigа боради ҳамда буюк зотни ҳар томондан кўриш, баҳолашга уринади.

Икки романда ҳам замонавий қатлам унчалик кўп ўрин эгалламаган. Унда, асосан, Абулхайрнинг оилавий ҳаёти, хотини, ёр-биродарлари билан мулоқот, муомала-муносабатлари, энг муҳими, Алишер Навоий ҳақидаги ўй-фикрлари, буюк ҳақиқатни кашф этиш йўлидаги заҳмат, машаққатлари бадиий ифода топган.

Роман-трилогиянинг иккинчи китоби (**“Кўзгу олдидаги одам”**) да бир хронологик қатлам, биринчи ва учинчи китоблар (**“Минг бир қиёфа”**, **“Тепаликдаги хароба”**) да эса кўп қатламли хронотоп ифодаланган.

“Тепаликдаги хароба”, **“Ишқ аҳли”**, **“Буюк фаррош”** романларидаги бадиий хронотоплардан фойдаланиш усули бир хил. Учала романда ҳам XV аср (тарихий хронотоп), XX аср (замонавий хронотоп) муайян бадиий концепция асосида ўзаро уйғун тасвирланган. **“Навоий ва рассом Абулхайр”** диалогиясидан фарқли равишда **“Тепаликдаги хароба”** да Алишер Навоийнинг севимли устози, **“малик ул-калом”** мавлоно Лутфий ҳаётига оид тарихий маълумотлар, ривоятлар, лирик ижодига оид мулоҳаза, фаразлар берилган. Кейинроқ бундай усул **“Ишқ аҳли”**, **“Буюк фаррош”** да бадиий-эстетик жиҳатдан ривожлантирилди ҳамда мозий ва замонавий тафаккур, ҳаёт орасидаги робита-боғланишларни бадиий акс эттиришдаги ўрни янада яққолроқ намоён бўлди.

Икки ёки уч қатламли хронотоплар мавжуд бўлган **“Минг бир қиёфа”**, **“Тепаликдаги хароба”**, **“Ишқ аҳли”**, **“Буюк фаррош”** романларидан фарқли

равишда “Ффу”да изчил (давомли) бадиий хронотоп мавжуд. Шу жиҳатдан бу асар анъанавий хронотопли романлар (“Йиллар шамоли”, “Эгилган бош”)га яқин.

Олдин айтиб ўтганимиздек, “Ффу” романида ўтмишга хос бадиий замин умумлашма табиатга эга. Уни тарихнинг исталган бир даврига татбиқ этиш мумкин: хонлик ёхуд амирлик даври, қаср, зиндон ва бошқалар бу фикрни исботлашга хизмат қилади. Умумлашма бадиий замондан фарқли равишда бадиий макон манзаралари аниқ ифода этилган.

Реалистик ва ғайриоддий хронотопларнинг нафақат ёнма-ён, шунингдек, қоришиқ ҳолдаги ифодасини “Аёллар мамлакати ва салтанати”да ҳам кўрса бўлади.

“Кўзгу олдидаги одам”да бўлганидек, “Аёллар мамлакати ва салтанати”да ҳам, асосан, реалистик манзаралар тасвири берилган. Қаҳрамон (Олим)нинг таассуротлари, ҳаёлот ирқали ғайриоддий воқеа ва жойлар намоён бўлади.

“Эгилган бош”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Аёллар мамлакати ва салтанати” романларида истифода этилган ғайриоддий хронотоплар асосий-реалистик хронотоплар билан уйғунлашган ҳолда мозий ва замонавий ҳаётнинг мураккаб эпик манзараларини бадиий жиҳатдан барпо этиш, шу асосда қаҳрамон(лар)нинг кўп қиррали, мураккаб, кўп қатламли руҳий-маънавий олами чуккур, ҳар томонлама бадиий-эстетик жиҳатдан асосланган ҳолда ифодалаш вазифасини кўриш мумкин.

“Афлотун” романида бадиий хронотоп” деб номланган учинчи боб икки фаслдан ташкил топган. Бобнинг биринчи фасли **“Афлотун” романида бадиий замон тасвири**”деб номланган.

Омон Мухторнинг “Афлотун” романи нафақат ёзувчи ижодий меросида, шунингдек, Мустақиллик даври ўзбек насрида алоҳида аҳамият ва қимматга эга бўлган асардир. Авваламбор, ушбу бадиий яратмада бир-биридан ниҳоятда узоқда бўлган иккита бадиий замон-макон тасвирланган: 1) юнон мутафаккирлари Сукрот ва Афлотун даври; 2) ўзбек алломаси ва адиби Абдурауф Фитрат яшаган замон. Ушбу иккита замон-макон бадиий матн таркибида ўзаро бирлашиб, романнинг етакчи бадиий концепциясини ойдинлаштиришга хизмат қилган.

